

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

А. Ч. Абдиев

Кар.ДУ. и.ф.н

Б. И. Холёрова

Туризм 1-босқич магистранти

А. А. Алимардонов

ИРБ 2-босқич студенти

A R T I C L E I N F O.

Калит сўзлар:

туризм соҳаси, туризм салоҳияти, зиёрат туризми, ҳалол туризм, ҳалол стандарти, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти.

Аннотация

Ушбу мақола Ўрта Осиё ва шу жумладан Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш муаммоларига бағишлиган бўлиб, туризм салоҳияти, зиёрат туризми имкониятлари, амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ҳакида фикрлар, шунингдек, зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ўрин олган.

Кириш. Бизга маълумки, Ўзбекистон ўзининг бой маданий ва маънавий мероси, меморий ва тасвирий санъати, тарихий обидалари билан ҳамда кўплаб дунёга таниқли машҳур ва буюк аждодларимиз дунё олимлари ва сайёҳларини ўзига жалб этиб келмоқда. Бу ўз навбатида ҳалқаро туризм бозорларидаги ўзимизга хос ўрнимиз ва нуфузимизни кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш борасида Республикамиз Президентининг ташаббуслари билан Ўзбекистонда илк бор 2019 йил 21-23 февраль кунлари Бухоро шаҳрида зиёрат туризми бўйича биринчи ҳалқаро форум ўтказилди. Форум доирасида Малайзия муфтийси Перлис Моҳд Асри бин Зайнул Абидин Ўзбекистоннинг фахрий зиёрат туризм элчиси этиб белгиланди. Бу ўз навбатида миллатларни, ҳалқларни, динларни ўзаро ҳамжихатликга, иноқлик ва бағрикенгликка чакиради. Соҳанинг ривожланишида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Тадқиқот методологияси. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг зиёрат туризми борасида жаҳон иқтисодиётидаги ўрни, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти назарий ёндашувлар асосида таҳлил этиб борилганлигини эътироф этиш ўринлидир. Таъкидлаш жойизки 2019 йил 5-январда 2019-2025-йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси, ҳамда 2019-йил 18 июль куни “Туризм тўғрисида” ги қонуннинг янги таҳририда

қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари бағишланган йиғилишда “Ўзбекистон ҳам саёчат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машхур бўлган аждодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта” – деб таъкидлаган эди. Глобал иқтисодий инновацион ўзгаришлар шароитида зиёрат туризмининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари очиб бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан аҳамиятлидир.

Географик, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жиҳатдан қулай жойда жойлашган Ўзбекистон нафақат ўзининг бой тарихи ва маданий ёдгорликларига эгалиги билан, балки муқаддас қадамжолар маскани сифатида ҳам жаҳонга машҳурдир. Ўзининг кўп минг йиллик тараққиёти давомида ватанимиз сиёсий, маданий, ижтимоий-иктисодий, геосиёсий салоҳияти жиҳатидан дунё тамаддунига катта ҳисса қўшиб келган. Шунингдек, мамлакатнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги, бу ерда маданиятлар тўқнашувининг юз беришига, илм-фан ютуқларининг алмашинувига, мамлакатлар орасидаги янгиликларнинг ўзаро кенг ёйилишига имкон қадар хизмат қилган.

Ўзбекистонда қадимий обидаларнинг, улуғ илм соҳиби ва ислом динига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган шахслар зиёратгоҳларининг кўплиги ислом динига эътиқод қилувчи мусулмон бўлган сайёҳларни зиёрат мақсадида юртимизга қизиқишини янада ортишига сабаб бўлмоқда. Республикада қадим тарихга эга, бир неча тузумларни кўрган ва шундай шароитда ҳам ўз қадр-қимматини, гўзаллигини сақлаб қолган обидалар сайёҳларда ажиб бир хайрат ҳиссини шакллантирумокда. Зоро, Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёning 10 та етакчи мамлакатлари қаторидан ўрин эгаллаган. Республикада туристларни ўзига жалб қиласидан 7,4 маданий мерос объектлари мавжудлиги ҳамда уларнинг 209 таси ЮНЕСКО ташкилоти рўйхатидан ўрин эгаллаганлиги мамлакатимиз туристик салоҳиятининг юқоришлиги ва имкониятларининг сероблигига бориб тақалади.

Таҳлил. Мамлакатимизда туризм соҳасининг муҳим йўналиши деб қаралаётган, зиёрат туризмини ривожлантириш учун дин билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар, ўзига хос диний қадриятлар ва анъаналарнинг мавжудлиги етарли эмас. Бу йўналишда сайёҳларнинг улкан оқимини ҳосил қилишдаги баъзи бир камчиликларнинг мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бу камчиликларга, ҳиссан, меҳмонхоналар етишмаслиги, арzon ва қулай инфратузилманинг тўлиқ мавжуд эмаслиги, эркин ахборот олиш ва интернетдан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги, турмаҳсулотларнинг сифати пастлиги ва жозибадор эмаслиги туфайли сайёҳларни ўзига етарли даражада жалб қила олмаётганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Туристларни жалб этиш учун қулай туристик инфратузилмани шакллантириш, яхши реклама, жозибадорликни намойиш этувчи ташвиқот ишларини олиб бориш, виза режимини янада эркинлаштириш, аэропорт ва меҳмонхоналарда ибодат қилиш учун шинам шароитлар яратиш керак. Мисол учун, Малайзия дунёning кўплаб давлатлари фуқаролари учун виза талабини олиб ташлаганлиги сабабли сайёҳлар кўплаб мамлакатлардан сайёҳлар оқими ошиб бормоқда.

Ҳозирги статистик маълумотларга асосан, жаҳонда 1,6 млрд.дан ортиқ ислом динига эътиқод қилувчилар бўлиб, улар дунёning деярли барча минтақасида яшайди. Ҳиссан, кўп сонли мусулмон аҳолига эга бўлган Индонезия (260 млн.), Малайзия (32 млн.), Покистон (150 млн.) сингари мамлакатларнинг фуқароларини зиёрат туризми мақсадида Қадимий Туркистон заминининг бўюк қадамжолари шунингдек Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Термиз ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида жойлашган муқаддас қадамжоларга жалб этиш Ўрта Осиёда Ўзбекистон учун улкан имконият ҳисобланади. Ушбу шаҳарларда жойлашган муқаддас қадамжолар, авлиёлар ва уламоларнинг мақбаралари, масжид ва мадрасалар, қадимий

кўлёзмаларни кўрсатиш хорижий сайёхлар қизиқишишининг ортишига, сайёхлар оқимининг кенгайишига, натижада мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошиб боришига имкониятлар эшиги очилишини тъминлайди.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида ҳукумат томонидан босқичмабосқич мажмуали қарорлар, фармонлар ва давлат дастурлари қабул қилинмоқдаки, улар жумласига 2018 йилда туризмга доир 4 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 6 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 1 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши, 15 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори; 2019 йилда 1 та Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 5 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва 2 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 5 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар билан соҳада йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш, туризм салоҳиятини ошириш бўйича устувор вазифалар белгиланди, ички туризмни янада ривожлантиришнинг сон саноқсиз имкониятлари юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги —Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидағи 5326-сонли фармонига кўра, Ироил, Индонезия, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япониялик фуқаролар учун 30 кунлик муддатга виза режими жорий этилди². Шунингдек, бугунги кунда МДҲ таркибидаги тўққиз мамлакат фуқаролари визасиз режимдан фойдаланмоқдалар. 2018 йил 1 июлдан электрон 2 визалар жорий қилинди. Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб бу тизимни янада соддалаштириб ва ички ва ташқаридан туристлар оқими тартибини доимий равищда эътиборли бўлган ҳолда олиб боришини талаб этмоқда.

Маълумки, 2019 йилнинг 5 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидағи ПФ-5611-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга кўра, —2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси³ тасдиқланди. Унда туризм соҳасида қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушкини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилишини ўзи бу катта ютуқдир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳсинга сазовордир. Хусусан, 45 давлат фуқаролари учун юртимизда 30 кунгача визасиз бўлиш, 76 давлат фуқаролари учун енгиллаштирилган тартибда электрон виза олиш, 101 мамлакат фуқаролари учинчи давлатга бориша Ўзбекистонга 5 кунгача визасиз кириши каби қатор имтиёзлар жорий этилди³. Бу эса хорижий сайёхлар сафи тобора кенгайишига сабаб бўлмоқдаки, натижада мамлакатимизга ислом динига эътиқод қилувчи ва мусулмон аҳолига эга бўлган кўплаб давлатлардан мусулмон туристлар ташрифининг ошишига имкон тўғулмоқда.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар қисқа муддатда ўз самарасини кўрсатмоқди. Шу жумладан, виза 515 режимидаги ўзгаришлар, Ўзбекистонда бўлиш қоидалари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш тартибининг соддалаштирилиши, туризм соҳасида инфратузилманинг ривожланиши ва туризм салоҳиятини тарғиб қилиш чораларининг кўрилиши мамлакатимизга кириб келаётган хорижий фуқаролар сонини ўтган йилларга нисбатан ошишига, шунингдек туризм хизматлари экспортидан тушадиган даромадлар ҳажмини ошишига олиб келмоқда.

Эътироф ўрнида айтиш мумкинки, биргина Малайзияликларнинг таклифига кўра, мамлакатимимзда зиёрат туризмини янада жадаллаштириш максадида, Куала Лумпур-Тошкент-Жидда йўналиши бўйича авиа қатновларни очиш масаласи кўндаланг қўйилди. Чунки ҳар йили 250 минг малайзияликлар учун Умра сафарига боришдан олдин ёки сафардан кейин, албатта, Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш имкони пайдо бўлади. Бу ҳолат эса виза олиш жараёнини янада енгиллаштиришни тақозо этган ҳолда ҳар йили 250 мингдан ортиқ турист келиши ҳамда шунга мос равиша даромад манбаига эришиш демакдир. Шу боисидан ҳам Малайзия сайёхлик ва саёҳат агентлиги ассоциацияси билан янада яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш кечикириб бўлмайдиган ҳолдир.

Бизга маълумки, Малайзия сайёхлик ва саёҳат агентликлари ассоциацияси ва Ўзбекистон Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида англашув мемарандуми имзоланди. Агарда Ўзбекистон зиёрат туризми агентлиги зиёрат туризмiga доир қизиқарли ҳамда азронлаштирилган нарҳдаги тур пакетларини тақдим этса, ассоциация юқоридаги таклифларни Малайзия ҳамда яқин атрофдаги қўшни давлатлар Индонезия, Сингапур мамлакатлардаги мижозларга сотишда амалий ёрдам беришларини қайд этишди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ушбу ассоциациянинг йилда 4 маратоба нашр этиладиган, 3200 та туризм саноати профессионалларига етказиладиган журналида Ўзбекистоннинг зиёрат туризми салоҳияти ҳакидаги мақолаларни, реклама-тарғибот материалларини чоп этиш бўйича ҳамкорлик шартномаси таклиф сифатида қабул қилинди⁵.

Хуноса. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, сайёҳлар қисқа муддат ичida кўплаб ва қадими жойларни кўришни истайди. Ўзбекистонда эса вақт чегаралангандир. Ўзбекистонда кафе ва ресторанлар 23:00 да ёпилади. Агарда ресторанларни 24 соатлик иш вақтига ўзгарилиса, бу муаммо ўз ечимини топган бўлар эди. Туристларга меҳмонхонадан вақтинча рўйхатдан ўтиш ҳам баъзи муаммоларни келтириб чиқармоқда ҳамда фақатгина 5 юлдузли меҳмонхоналарга кўпроқ аҳамият берилмоқда. Агарда биз 4-5 юлдузли меҳмонхоналарга ва 2-3 юлдузли отелларга ҳам бирдек эътибор берилса, уларда туристлар учун қулагилклар яратилса, бу ҳам туристлар сонининг ошишига сабаб бўлади. Ҳамда юртимиздаги меҳмонхоналарда мусулмон сайёҳлар учун зарур шарт-шароитларни яратилиши меҳмонхоналарнинг нуфузини ошишига, сайёҳларнинг қизиқишининг ортишига хизмат қиласи. Шунингдек, сайёҳларнинг уқалаш хизмати, пиёда юришни талаб этадиган жойларнинг кўплиги учун туристларга қисқа масофаларга хизмат кўрсатувчи сервис хизматларини ҳам жорий этиш лозим. Энг асосийси келган меҳмонларни, яъни сайёҳларни барча сервис хизматларида очик чехра билан кутиб олиш ҳамда уларни узоқ муддат куттириб қўймаслик учун ходимларнинг тезкорлигини ошириш ва ўша хизматнинг техник салоҳиятини юқори даражага олиб чиқишини талаб этади.

Мамлакатга хорижий туристларни жалб этишнинг энг асосий омилларидан яна бири бу – тарихий обидаларни асли ҳолица сақлашдир. Европалик сайёҳлар ҳам, мусулмон давлатлари туристлари ҳам замонавий осмонўпар биноларга тўла мамлакатлардан келишади. Ўзбекистоннинг ўзига хос жихати тарихий обидалар ўзининг гўзал, қадими кўринишини сақлаб қолганлигидир. Тарихий обидаларга лиммо-лим бўлган қадими шаҳарларимизда обидалардаги ёзувлар катта маъно-мазмунга эгадир. Бу биноларнинг узоқ ўтмишга эга эканлиги, қандай қурулиш услубларида бунёд этилганлини ҳамда обидалардаги нақшларнинг услублари ва бу нақшлар орқали қандай маъно-мазмун яширганлиги ҳакида чет тилларидаги таржима буклетларини тайёрлаш сайёҳларни янада кўпроқ қизиқишини ошишига олиб келади.

Маълумки, зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича Қуббат-ул ислом⁶ мақомига сазавор бўлган Бухоро шаҳрида тамал тоши қўйилди, дейишимиз мумкин. 2019 йил 21-23 февраль кунлари қадим Шарқ дурдонаси бўлган Бухоро шаҳрида зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум бўлиб ўтди. Унда дунёning кўплаб давлатларидан дин уламолари, муфтийлар,

нуфузли халқаро ташкилотлар аъзолари, сайёхлик компаниялари, тур компаниялари операторларининг вакиллари қатнашига эришилди.

Ушбу форумда қатнашувчилар Ўзбекистоннинг зиёрат туризмидаги салоҳияти

билан яқиндан танишди ҳамда юртимизни зиёрат туризмининг янги марказига айлантириша яқин ҳамкорлик қилиш ва ўзаро маданий алоқаларни ривожлантириш борасида фикр-мулоҳазалар алмашишди. Шунингдек, истиқболда

сайёхлар оқимининг кескин кўпайиши ҳисобга олинган ҳолда, жорий йилда 60 га яқин меҳмонхоналар қуриш, 20 дан ортиқ ресторанлар, бир қанча истироҳат боғлари барпо этиш ва сайилгоҳлар қурулиши ҳақида муҳокамалар бўлиб ўтди. 2019 йилда такдим этилган Жаҳон ҳалол туризми рейтингига кўра, Ўзбекистон Топ-20 рўйхатидан ўрин олган. Ҳалол туризм зиёратчиларини қабул қилувчи Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) мамлакатлари орасида эса Топ-10 рўйхатига киритилган6.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, зиёрат туризмини ривожлантиришда сайёхларнинг талаб ва таклифларини ҳисобга олиш лозим. Талабларга қараб эҳтиёжлар қондирилади. Туристлар оқимига мос, шарт-шароитларга эга бўлган меҳмонхона ва ресторанларнинг сонини янада ошириш ҳамда меҳмонхоналар жиҳозларининг сафидан мусулмон сайёхлар учун Қуръони Карим, жойнамоз ва қибла кўрсаткичларининг ўрин олишини таъминлаш

зарур. Аэропортдаги ноҳуш вазиятларни ва туристларни куттириб қўйиш ҳолларини бартараф этиш лозим. Зиёрат туризми йўналишида асосан ислом динига эътиқод қилувчи туристлар ташрифи юқорилиги инобатга олган ҳолда барча туристик хизмат ва маҳсулот турларига —Ҳалол стандарти» талабларини жорий

этиш лозим ҳамда катта йўл бўйларида, туристик манзиллар атрофида масжиidlар сонини тобора кўпайтириш зарур. Зиёрат туризмини ривожлантириш учун халқаро ташкилотлар, туризм ривожланган давлат билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва уларнинг бу соҳадаги илфор тажрибаларини ўзлаштиришимиз керак. Реклама агентликлари билан чет элларда ҳам тарғибот ишларини амалга оширмоғимиз даркор. Юртимизда қадимдан қадрланиб келинадиган қўл меҳнати, уй хунармандчилигини ривожлантириб, бу йўналишда фаолият олиб борадиган тадбиркорларга маълум бир эркинликлар ва енгилликлар бериш лозим. Туристларга мос келадиган, арzonлаштирилган нархларга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтирсак, тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар азиз авлиёларнинг зиёратгоҳлари ҳақида чет тилларидаги таржима буклетларини тезроқ ва кўпроқ миқдорда ташкил этсак ҳамда бу обидаларнинг қадимийлигини ўз ҳолича сақласак, уларнинг суръати тушурилган сувинерларни ихчам шаклларда яратса олсан, малакатимизга ташриф буорадиган туристлар ташрифини оширилишига сазовор бўлишлик насиб этади деган умиддамиз ва ҳк.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси сайёхлик соҳасини ривожлантиришни тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. 2016 йил 2 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг —Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сонли Фармони. 2019 йил 5 январь.

4. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2019. Б. 306.
5. 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармонига илова.
6. Travel & Tourism Economic Impact 2018 Uzbekistan/World Travel & Tourism Council 2018 march.
7. <http://www.usbekistan.at/ru/node/894>